

Иймон билан Ислом орасидаги фарқ | Ақийда дарслари (252-дарс)



19:00 / 06.11.2023 1545

Уламоларимиз Ислом билан иймон орасидаги алоқа, «Қайси бири умумий?» деганга ўхшаш саволлар ҳақида узундан-узоқ баҳс қилганлар. Бу мавзу бўйича алоҳида китоб ёзганлари ҳам бор. Лекин гапнинг хулосаси шулки, Ислом ва иймон тушунчалари умумий тарзда бир-бирига қовушиб кетган, бири иккинчисини ифода этаверадиган тушунчалардир. Аммо иккисини алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, иймон – ишониш, эътиқод – назарий масалаларга, Ислом эса бўйсунуш – амалий масалаларга хосдир.

1. Ислом асослари шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаждан иборатдир.
2. Иймоннинг асослари Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшию ёмон қадар Аллоҳдан эканлигига ишониш, тасдиқлашдан иборатдир.

Ақоид илмининг улуғ олими Умар Насафий ўзининг китобида: «Иймон ва Ислом бирдир. Қачонки бандада тасдиқ ва иқрор мавжуд бўлса, мен ҳақиқатан мўминман, демоғи тўғри бўлади», деган.

Мана шу маъно мотуридийлар жумҳури ва муҳаққиқ ашъарийларнинг гапидир. Баъзи бир гуруҳлар, иймон билан Исломнинг орасида фарқ бор, дейдилар. Аммо диққат билан қарайдиган бўлсак, ҳар икки гапнинг ҳам ўз ўрни бор.

Иймон билан ислом иккиси бир нарса, деганлар луғавий эмас, шаръий маънони эътиборга олганлар. Чунки шаръан, мўмин бўлмаган мусулмон ёки мусулмон бўлмаган мўмин йўқ. Яъни қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузуридан нажот топиш учун инсон мўмин-мусулмон бўлиши керак. Бири билан сифатланиб, иккинчиси билан сифатланмаса бўлмайди.

Иймон билан Ислоннинг орасида фарқ бор, деганлар фақат луғавий маънони эътиборга олганлар.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.